Mahalla

WWW.UZMAHALLA.UZ

№46 (2184) | 2024 ЙИЛ 10 АВГУСТ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

БИЗ БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ,
БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

УЮШМА КУНДАЛИГИ

«Олмазор»да кўп тармоқли янги бино қурилади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Самарқанд вилоятида бўлди.

Уюшма раиси "Маҳалла еттилиги" фаолияти билан танишди, ёшлар, аёллар, бандлик, ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Айни пайтда Самарқанд вилоятида 1 126 та маҳалла мавжуд. Жорий йилнинг ўтган олти ойида вилоятда "еттилик" кўмагида 63 036 нафар фуқаро бандлиги таъминланди, 6 575 нафар ёшга деҳқончилик учун 7 минг гектар ер майдони ажратилди, томорқадан унумли фойдаланишни ташкил этиш орқали 7 043 та камбағал оила қўшимча даромад манбаига эга бўлди. Шунингдек, ўз биносига эга бўлмаган 7 та маҳаллага янги бино қуриб берилди, 14 тасининг хизмат биноси таъмирланди.

Давоми 2-саҳифада.

МОҲИЯТ

ЯГОНА САВОЛНОМА барча муаммога ечим бўлади

2024 йил 6 августда Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳаллаларда аҳоли муаммоларини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ҳужжат аҳоли муаммоларини аниқлаш тизимини самарали йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида манзилли ташкил этишга хизмат қилади.

Айтиш керакки, ижтимоий ҳимоя тизими билан 250 та хизмат қамраб олинган бўлса-да, маҳалладаги аҳоли уларнинг ярмидан ҳам бехабар. Масалан, ногиронлиги бор фарзандини парваришлаш нафақасини олиши мумкин бўлган 33 минг ота-она ушбу имтиёздан фойдаланмаяпти. Айрим раҳбарлар муҳтож оилалар билан манзилли ишламай, пул ва озиқ-овқат бериш, маиший техника совға қилиш билан чекланиб қолган. Ҳар бир оилани индивидуал ўрганиш, барча муаммоларини аниқлаш тизими тартибли йўлга қўйилмаган.

Давоми 2-саҳифада.

ЖАРАЁН

СЕРВИС КОМПАНИЯСИ: ТАДБИРКОРЛАР ИМТИЁЗДАН ХАБАРДОРМИ?

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Республика ишчи гуруҳи жойларда маҳалла сервис компанияларини ташкил этиш борасидаги ишларни ўрганмоқда.

Давоми 2-саҳифада.

МАНЗАРА

Одамлар идорадан хафа кетмаслиги керак

Ўттиз йил педагогика соҳасида ишлаб, нафақага чиққач, "Ворсин" маҳалласида раис сифатида иш бошладим. Очиғи, маҳалла раиси бўлиш осон эмас экан. Чунки маҳаллага ўз "дарди"ни айтиб келувчилар жуда кўп. Ҳар қандай ҳолатда одамларга ёрдам бериш, бу ерда яшовчи 3 241 нафар аҳолининг кўнглини топишнинг ўзи бўлмайди.

Маҳаллада ишлашнинг ўзига яраша гашти ҳам бор. Эрталаб олти яримларда йўлга тушаман. Маҳалла биноси билан уйимиз ораси 500-600 метр атрофида. Ишхонага етгунимча йўлдан чиққан аҳоли билан суҳбатлашиб, соғлиғи, камчиликлари ҳақида сўраб, билиб оламан. Муаммолари бўлса, ечишга ҳаракат қиламан, хурсандчиликларига шерик бўламан. Айрим тоифа одамлар бор, маҳаллага келиб фақат талаб қилишни ўрганиб олишган. Ўзи ҳеч қаерда ишламайди. Иш топиб бераман, ишла десангиз, турли баҳона қилишади, боқимандага айланиб қолган. Имкон қадар уларни иш билан таъминлашга ҳаракат қиламиз.

Давоми 2-саҳифада.

Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИда иштирок этди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Остонада буюк шоир ва мутафаккир АЛИШЕР НАВОИЙ ҳайкалини очди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг “ОЛТИН ҚИРОН” ордени билан тақдирланди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Бино ертўласида соғломлаштириш маркази, биринчи қаватда маҳалла ходимлари фаолияти учун хоналар, иккинчи қаватда тикувчилик корхонаси ва учинчи қаватда ахборот технологиялари маркази иш бошлайди.

“Олмазор”да кўп тармоқли янги бино қурилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Уюшма раисининг дастлабки манзили — Самарқанд вилояти бошқармаси, Самарқанд шаҳар бўлими ҳамда Ғиёсиддин Жамшид номидаги маҳалла бўлди. Вилоят бошқармасидаги мулоқотда тизимдаги ўзгаришлар, ўтган вақт давомида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Маҳалладаги ўрганишларда “еттилик” фаолияти, аҳоли муаммолари билан ишлаш натижадорлиги кўриб чиқилди. Уюшма раҳбари бошқарма масъулларига мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва самарадорликни ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Қаҳрамон Қуронбоев Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида учрашув ўтказди. Айтиш керакки, барча ҳудудларда бўлгани сингари Самарқанд вилоятида ҳам 16 та шаҳар ва туманда намунали тарзда маҳалла сервис компаниялари ташкил этиляпти. Ҳозирда салоҳиятли тадбиркорлар танлаб олиниб, дастлабки қадамлар ташланган.

Туман ва шаҳар бўлимлари раҳбарлари, қурилиш бўйича масъуллар ҳамда маҳалла сервис компаниялари қурилиши бошланган маҳалла раислари билан мулоқотда Уюшма раҳбари компаниялар ташкил этилишини жадаллаштириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди. Бу тузилмага берилган имкониятлар, жумладан, солиқ имтиёзлари, бепул асбоб-ускуналар тақдим этилиши, маҳалла биносидан бепул жой ажратилиши билан боғлиқ масалаларни тарғиб қилиш зарурлиги уқтирилди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Булунғур туманидаги “Олмазор” маҳалласига ташриф буюрди. Бу ерда қурилиши якунига етаётган “Янги Ўзбекистон” массиви ва маҳалланинг янги биноси билан танишилди. Айтиш керакки, “Олмазор”да кўп тармоқли маҳалла биноси қурилмоқда. Унинг ертўласида соғломлаштириш маркази, биринчи қаватда маҳалла ходимлари фаолияти учун хоналар, иккинчи қаватда тикувчилик корхонаси ва учинчи қаватда ахборот технологиялари маркази иш бошлайди. Шунингдек, маҳалла биносининг орқа тарафидаги ерга стадион ва оилавий шифокорлик пункти қурилиши режалаштирилган.

Уюшма раҳбари мазкур ишларнинг боришини кўздан кечириб, “Олмазор” маҳалласи намунавий маҳаллага айланиши лозимлигини таъкидлади. Мутасаддиларга зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

ЖАРАЁН

СЕРВИС КОМПАНИЯСИ: ТАДБИРКОРЛАР ИМТИЁЗДАН ХАБАРДОРМИ?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Президентнинг 2024 йил 25 июндаги “Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, эксперимент тариқасида, республикамиз бўйича 208 та маҳаллада “Маҳалла сервис компанияси”ни жорий этиш белгиланган эди.

Бухоро вилоятида мазкур қарорнинг ижроси ва олиб борилаётган жараёнлар билан танишилди. Ишчи гуруҳи Қоровулбозор туманидаги “Бўзачи” маҳалласида ташкил этилган сервис компаниясини бориб кўрди. Тадбиркор Шаҳло Ҳакимова ташкил этган “Бўзачи маҳалла сервис компанияси” МЧЖ аҳолига 20 дан ортиқ хизмат турларини кўрсатади. Тадбиркор билан мулоқот жараёнида иш ўринларини кўпайтириш ва сифатли хизмат кўрсатиш таъкидлаб ўтилди.

Шундан сўнг Бухоро туманидаги “Работак” маҳалласида ташкил этилган “Работак маҳалла сервис компанияси” МЧЖ фаолияти кўздан кечирилди. Бу ерда иш фаолияти бошланганига кўп бўлмаган бўлса-да, фуқаролардан кўплаб мурожаатлар қабул қилинаётгани ва сифатли хизмат кўрсатилаётгани таъкидланди. Компания ходимларига барча шароитлар яратилган, солиқ имтиёзлари қўлланяпти.

Ўрганишлар Бухоро шаҳар ва Когон туманида давом этди.

Хоразм вилоятидаги ўрганишлар давомида Ишчи гуруҳи Хонқа, Хива, Янгиариқ туманларида бўлди. Хусусан, Хива туманидаги Отажон Тўра номли маҳаллада ташкил этилган сервис компанияси фаолияти ўрганилди. Жараёнда “маҳалла еттилиги” ва сервис компанияси раҳбарлари билан мулоқот қилинди. Янги тузилма маҳаллаларда ободлик ва фаровонликни таъминлашга ҳисса қўшиши, аҳолига қатор қулайликлар яратиши таъкидланди.

Хонқа туманидаги “Дўстлик” маҳалласидаги ўрганишларда сервис компанияси фаолиятини самарали йўлга қўйишда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар суҳбат мавзусига айланди. Тадбиркорларга берилган имтиёзлар, хусусан, сервис компанияси фойда, мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда ижтимоий солиқ тўловларини тўлашдан, шунингдек, ишчи ходимлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилгани алоҳида қайд этилди.

МОҲИЯТ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ЯГОНА САВОЛНОМА барча муаммога ечим бўлади

Санжар ИСМАТОВ.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ҳукумат қарори билан **2024 йил 1 октябрдан бошлаб,** маҳаллаларда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари **ягона саволнома асосида** бирламчи ўрганилади. Аниқланган муаммолар икки кун ичида **“Рақамли маҳалла”** платформасида шакллантирилади ҳамда “маҳалла еттилиги”нинг тегишли электрон платформаларига фуқаро билан индивидуал тартибда ишлаш учун буюртма шаклида юборилади. Буюртмага мувофиқ, “еттилик” аҳоли муаммоларини атрофлича ўрганади, таҳлил қилади ва зарур чоралар кўради.

Қарорга биноан, қуйидаги ҳолатларда ягона саволнома асосида фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам (хизмат) кўрсатиш ишлари ташкил қилинади:

- *фуқаронинг мурожаати асосан;*
- *уйма-уй юриш орқали;*
- *бошқа фуқаролар шахснинг ижтимоий-иқтисодий ёрдамга (хизматга) муҳтожлиги тўғрисида хабар берганда.*

Ягона саволномани **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси** “Рақамли маҳалла” платформаси негизида алоҳида модул сифатида юритади. “Маҳалла еттилиги” вакиллари фойдаланадиган мавжуд электрон платформалар “Рақамли маҳалла” платформаси билан ўзаро интеграция қилинади. **2024 йил 1 октябрга қадар** “Рақамли маҳалла” платформасида “маҳалла еттилиги”нинг ягона саволномаси натижасида аниқланган муаммолар бўйича буюртмаларни шакллантириш ҳамда уларни масъул вазирлик ва идораларга йўналтириш имконини берувчи **“Ягона саволнома”** модули ишга туширилади.

Қарор билан **“Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ягона саволномага асосан аниқлаш ва бартараф этиш тартиби тўғрисида”ги Низом** тасдиқланди. Низомга кўра, бирламчи ўрганиш натижасида фуқарода муаммо ёки ёрдамга муҳтожлик аниқланмаса, ўрганиш ишлари шу босқичнинг ўзида якунланади.

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ягона саволнома асосида **бир йилда бир марта** ўрганилади ҳам кўрсатилган ёрдамлар платформада бир йил давомида фаол ҳолатда сақланади.

“Маҳалла еттилиги” вакилларига “Рақамли маҳалла” платформасидан узлуксиз фойдаланиш учун мобиль планшет ва компьютер жиҳозларини юқори турувчи ташкилотлари тақдим этади. Платформада ҳар бир ходим учун алоҳида **шахсий кабинет** очилади. Ягона саволнома модулида шахсга доир маълумотларни тўлдириш ва таҳрир қилиш, “еттилик” вакилларига йўналтириш, буюртмаларни давлат ташкилотлари ва органларига юбориш, ижросини реал вақт режимида мониторинг қилиш имконияти яратилади.

“Маҳалла еттилиги” вакили “Рақамли маҳалла” платформасидан фақат ўзига тегишли маълумотлар билан ишлаши ва унинг ҳисоботларини шакллантириши мумкин. Платформадаги модулдан “еттилик” аъзолари **бепул** фойдаланади.

Умуман олганда, Ҳукумат қарори билан эндиликда аҳоли муаммоларини аниқлаш, уларга ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш битта тизим асосида юритилади. Яъни “маҳалла еттилиги”нинг алоҳида-алоҳида ўрганишлари, тарқоқ платформалари ягона базада шакллантирилади. “Рақамли маҳалла” платформасида кимнинг нимага муҳтож экани, қандай муаммоси борлиги, кимга қандай ёрдам берилгани аниқ-равшан кўриниб туради. Бу ижтимоий кўмакнинг манзилли, ҳақиқатда ёрдамга муҳтожларга кўрсатилишига замин яратади.

МАНЗАРА

Одамлар идорадан хафа кетмаслиги керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Манзура ИСЛОМОВА, Тойлоқ туманидаги “Ворсин” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда деярли ишсиз одамнинг ўзи йўқ. Ҳар бир уйда ҳеч бўлмаганда битта автомашина хонадонга хизмат қилади. Аёллар кўпроқ тикувчилик, зардўзлик билан банд бўлгани сабабли субсидия асосида тикув машиналари, эркакларга рўзғорини тебратиши учун мотокультиватор олиб берилган. Хонадонларимизни тоза ичимлик сув билан таъминлаб, кўчаларни асфальт қилдик.

Ҳали амалга оширишимиз керак бўлган юмушлар кўп. Жумладан, Ислом тараққиёт банкидан ютиб олинган грант эвазига маҳалланинг 10 километр ички йўли асфальт бўлади, 340 ўринли мактаб спорт зали ва ошхонаси билан қурилади, 150 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти бунёд этилади. Қолаверса, 48 та эски, таъмирталаб симёғочлар янгисига алмаштирилиб, 20 километрга янги электр тармоғи тортилади. Умуман олганда, яқин икки йилда маҳалламиз таниб бўлмас даражада ўзгаради.

Шу ўринда тажрибамдан келиб чиқиб, айрим фикрларни айтиб ўтсам. “Mahalla” газетаси орқали бошқа ҳудудлардаги раисларнинг, маҳалла ходимларининг фикрларини, таклиф ва муаммоларини ўқиб бораман. Аксарият масалалар барча маҳаллаларга дахлдор, уларнинг ечими тизимни янада самарали қилади. Бироқ мен маҳалла раисларининг ходимларни бир мақсад сари йўналтира олмаётгани ҳақидаги фикрларига қўшилмайман.

Нега? Боиси раис маҳалланинг боши, етакчисими, шунга муносиб бўлиши керак. Ахир ўз ходимларини бошқара олмаётган раҳбар бутун бир ҳудудга қандай таъсир кўрсата олади? Унинг сўзини қўл остидагилари тинглamаса, бошқалар қулоқ тутадими? Демак, маҳалла раиси қаттиққўл, шу билан бирга, ишнинг кўзини биладиган, ходимлар, аҳоли қалбига йўл топа оладиган, адолатли бўлиши лозим.

Йиғин раиси ҳар қандай вазиятда одамлар идорадан хафа бўлиб кетишига йўл қўймаслиги, муаммо шу жойнинг ўзида ҳал бўлмаса, буни тўғри тушунтира олиши, одамларни тинглашни билиши, уларга тўғри йўл кўрсата олиши зарур. Маҳалла раислигини бўйнингизга олдингизми, демак, ўша маҳалла сизнинг оилангиз. Кимдир синглингиз, кимдир акангиз ёки фарзандингизга айланади. Бу борада педагог бўлганим менга қўл келади. Кимнинг хонадонига кириб борсам, “муаллима” деб ҳурмат қилишади. Ташаббусларимизни аҳоли доимо қўллаб-қувватлайди.

Бугун маҳалла тизимидан ислоҳотларнинг марказида бўлиш талаб этиляпти. Ҳудуддаги ҳақиқий манзарани — кимнинг нимага муҳтожлиги, ким қандай кўмак олганию қайси масалалар одамларни кўпроқ қийнаётгани, оилалардаги муҳитни маҳалла раиси батафсил билиши керак. Шундагина ҳеч бир инсон эътибордан четда қолмайди. Аҳолининг раисга ишончи ортади, улар маҳаллани ўзларига суянч сифатида кўра бошлайди. “Маҳалла еттилиги”нинг асосий вазифаси ҳам аслида шу.

Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатлари миллий ID-карталарини ЎЗАРО ТАН ОЛИШ таклифини илгари сурди.

Президентимиз СТРАТЕГИК ҲУЖЖАТ — Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги КЎП ТОМОНЛАМА БИТИМни тайёрлашни таклиф қилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ГАРОВСИЗ кредит олсам бўладими?

Санжар ИБРОҲИМОВ. Шаҳрисабз туманидаги "Қиёмшайх" маҳалласи:

— Кичик тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтганман. Фаолиятимни янада кенгайтириш мақсадида гаровсиз имтиёзли кредит олсам бўладими?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, "Мадад" НТТ ҳуқуқшуноси:

— "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига кўра, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси асосида 33 миллион сўмгача таъминотсиз кредит олиши мумкин. Бунда тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди.

Аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш мақсадида узоқ муддатга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини ижарага олиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган деҳқон хўжаликлари ва кичик тадбиркорлик субъектларига 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади.

Махсус ўқув курсларини муваффақиятли тугатиб, тегишли сертификат олган шахслар ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш мақсадида бу имкониятдан фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига кўра, 2024 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 33 миллион сўмгача, бир йилдан сўнг ушбу қарз олувчининг тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги, қарзнинг мақсадли ишлатилганлиги ҳамда заруратга қараб гуруҳ кафиллиги (камида 3 нафар фуқаро) билан қўшимча 50 млн. сўмгача револьвер асосида ажратилади.

Ушбу кредитлардан томорқани ривожлантиришнинг бир нечта йўналишларида (паррандачилик, қуёнчилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик ва ихчам иссиқхона) фойдаланиши учун ер майдони 10 сотихдан ортиқ бўлган томорқа ер эгаларига ва ижарачиларга 50 млн. сўмгача, 10 сотихли ихчам иссиқхоналарни барпо этиш ва балиқчилик фаолиятини ташкил этиш учун 100 млн. сўмгача гаровсиз кредит берилади.

КУН САВОЛИ

Кредит ажратиш НЕГА КЕЧИКМОҚДА?

Наргиза БОТИРОВА. Жиззах шаҳридаги "Зилол" маҳалласи:

— Мен уй-жойимни таъмирлашга муҳтожман. Шунинг учун Президентнинг "2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига кўра, кредит олиш учун ҳоким ёрдамчисига мурожаат қилдим. Аммо масъуллар кредит бериш бошланмаганини таъкидлашди. Ваҳоланки, қарорда 2024 йил 1 июндан "маҳалла еттилиги" тавсияси асосида Камбағалликдан чиқариш дастурига киритилган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга ипотека кредитларини ажратиш белгиланган. Нима учун жараён кечикмоқда?

Шерзод ОТАЖОНОВ, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги мутахассиси:

— Фармонга мувофиқ, субсидиялар ажратиш юзасидан аризалар тасдиқланган меъёрлар доирасида 2024 йилнинг 15 майидан 1 ноябрига қадар қабул қилиниши назарда тутилган. Айни пайт ипотека кредити олиш истагини билдирганларни рўйхатга олиш бошланган. "Онлайн маҳалла" электрон платформасида Камбағалликдан чиқариш дастурига киритилган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларнинг рўйхатини юритиш модули очиб берилган. Ҳозиргача минглаб фуқаро рўйхатга киритилди.

Аммо ҳақиқатдан ҳам, Вазирлар Маҳкамасининг кредит ажратиш тартиби ишлаб чиқилиши кечикаётгани учун маблағ берилмаяпти.

ТАКЛИФ, ТАШАББУС, НАТИЖА

Давлат қилиб бериши керак, деган фикр нотўғри

Фаолиятимнинг дастлабки куниданоқ, ишни уйма-уй юриб, аҳоли турмуш шароити билан танишишдан бошлаганман. Хатловда аниқланган 150 нафар ишсиз фуқаронинг аксарияти ишга лаёқатли, тўрт муччаси соғ. Муаммо — муносиб иш ҳақи ва иш жойининг йўқлигида эди.

Улуғбек ЎРОҚОВ, Навбаҳор туманидаги "Сарой" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Шу маълумотлар асосида ҳудудда янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратдим. Ҳар бир ишсизнинг қобилияти, қизиқишига кўра, таклиф бердим. Кимдир имтиёзли кредит ҳисобига бизнесини йўлга қўйди, бошқаси субсидияга асбоб-ускуна олиб, ўзини ўзи банд қилди. Асосий "драйвер"имиз деҳқончилик бўлгани учун фуқароларга ижара асосида фойдаланишга ер ажратдик. Аста-секин ишсизлик камайиб борди.

Жорий йил бошидаги хатловда 67 нафар ишсиз аниқланганди. Бугунгача 56 нафарининг бандлиги таъминланди. 50 нафарига имтиёзли кредит, ер бердик, 6 нафарига субсидия асосида тикув машинаси тақдим этилди. 22 гектар ерда "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили бўйича шоличилик йўлга қўйилди. 6 та янги тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Битта кўча иссиқхоначиликка ихтисослаштирилиб, 25 та хонадонда иссиқхона ташкил этилди.

Феруза Ҳамидова имтиёзли кредитга хонадонида паррандачиликни йўлга қўйган. Ҳар 40 кунда маҳаллий бозорга 1,5 тонна парранда гўшти етказиб бермоқда. Тадбиркорлик ортидан оила ойига 5 миллион сўм даромад топмоқда.

Шаҳноза Ёрматова дастлаб хонадонида нон маҳсулоти ишлаб чиқарарди. Фаолиятини кенгайтириш мақсадида кредит сўраб мурожаат қилди. Аризаси ижобий ҳал этилиб, маблағ ҳисобидан замонавий нон ва нон ишлаб чиқариш ускунаси харид қилди. Оилавий тадбиркорлик корхонасига асос солди. Ҳозир 4 та янги иш ўрни яратган.

Улуғбек Зокиров — мебелсоз тадбиркор. Унга "Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига кўра, 100 миллион сўм кредит ажратилди. Натижада фаолиятини кенгайтириб, 5 нафар қўшимча ишчи қабул қилди. "Уста-шогирд" анъанасини йўлга қўйиб, ёшларга ҳунар ўргатмоқда.

"Ҳар бир оила — тадбиркор" лойиҳаси асосида Дилфуза Умаровага имтиёзли кредит ажратилиб, тикувчилик корхонаси ташкил этилди. Бунинг ортидан уйда ўтирган 10 нафар тикиш-бичишга ўқуви бор аёллар касаначилик асосида банд қилинди.

Гувоҳ бўлганингиздек, маҳаллада тадбиркорлик субъектлари сони ошиб бормоқда. Соҳани барқарор ривожлантиришда транспорт, энергетика, коммунал ва бошқа инфратузилмаларнинг талаб даражасида бўлиши муҳим. Шу сабабли электр, табиий газ таъминотида узилишларнинг олдини олиш керак. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчига етказиб беришда транспорт харажатини камайтириш лозим.

Кези келганда, хулоса ўрнида айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Маълумки, ҳудудда ишсизликни камайтириш, бандликни таъминлаш, янги иш ўрни яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун бевосита ҳоким ёрдамчиси масъул. Аммо баъзи ҳамкасбларим ишсизликнинг олдини олиш учун давлат йирик завод ёки фабрика қуриб берса, деган таклиф билдиради. Фикримча, бу хато тушунча. Агар давлат йирик ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиб берса, ҳоким ёрдамчиси лавозими нега ташкил этилган?

Камбағалликни қисқартиришнинг янги тизимига кўра, маҳаллада кооперация ва касаначилик, тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш мақсад қилинган. Бунинг учун ҳоким ёрдамчиси халқ ичида юриши, изланиши лозим. Ўша йирик ишлаб чиқариш корхонасини маҳаллий тадбиркорлар ёрдамида амалга оширса бўлади. Тажрибамда "Сарой уни" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини кегайтириш орқали буни исботладим. Ҳозиргача жамиятда 40 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланганди. Корхона раҳбари Жасур Қурбонов кредит маблағи олишда кўмаклашсак, иш ўринлари сонини 150 тага етказишни билдирди. Унга 40 миллиард сўм кредит ажратилишига эришдик. Насиб қилса, жорий йил декабрь ойидан корхона тўлиқ қувватда иш бошлайди.

Таклифим — ҳар бир ҳоким ёрдамчиси маҳалланинг "ўсиш нуқтаси", одамлар қизиқиши, иқлим ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олиб, иш ташкил этиши лозим. Давлат қилиб бериши керак, деган нотўғри фикрдан қутилиш вақти келди.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

СИМ ҚУРТИДАН қандай қутулиш мумкин?

Умиджон БАХРОНОВ.

Халқ тилида темиртак деб номланган сим қурти учадиган қўнғизнинг балоғатга етмаган тури ҳисобланади. Бу зараркунанда картошка, сабзи ва бошқа сабзавотларнинг бутун ҳосилига зарар етказиши мумкин. У илдизмева ва новдаларни (пояларни) тешади, ейди, экинни нобуд қилади. Сим қурти тушган экинда ҳосил кам, бори ҳам ейилган бўлади. Энг ёмон жиҳати — зарарланган картошкани бутун қиш давомида сақлаб бўлмайди.

Табиий савол туғилади? Қандай қилиб, бу зараркунандадан қутилиш мумкин? Сим қуртидан зарарланиш профилактикаси ва у билан курашиш йўли борми?

Албатта, бор. Биринчи галда сим қурти пайдо бўлишини кутмай, олдини олиш керак. Одатда темиртак зах ва нордон ерларни, ҳар хил чиринди ва бегона ўтларни яхши кўради. Шунинг учун биринчи навбатда ерга ишлов берилади. Бунда картошка экишдан аввал ва ҳосилни йиғиштириб олгандан сўнг барча бегона ўтлар, айниқса буғдойиқни (ғалласимон ўсимлик) тозалаб, балоғатга етмаган ҳашарот йўқ қилинади. Эгатни ағдариб чиқилади. Оҳак ёки кул билан ишлов берилади. Зараркунандаларни чўчитиш учун эгатни аммиакли селитра ёки сульфат аммоний (1 квадрат метрга 30 грамм меъёрида) сепилади.

Картошка экаётганда ҳар бир чуқурчага (яъни, картошка экиладиган чуқурчага) 5 грамм марганцовка кукунини 10 литр сувга аралаштириб, тайёр аралашмани қуйиб чиқиш тавсия этилади.

Сим қурти дуккакли экинларни ёқтирмайди, шунинг учун қатор атрофи, картошка қаторлари орасига ловия, нўхат экиб чиқса бўлади.

Картошкани экишдан олдин эгатга сули ёки буғдой сепилса, уларнинг ниши(ниҳоллари) қуртни жалб қилади. Икки ҳафтадан кейин майсалар кавлаб олиниб, уларда йиғилиб қолган балоғатга етмаган ҳашарот йўқ қилинади.

Яна бир усулда картошкани иккига бўламиз. Ҳосил бўлган бўлакларга узунроқ чўп суқиб, 10-15 см.ли чуқурчаларга кўмиб чиқамиз. Ҳар куни ушбу қопқонни кавлаб олиб, у ерда йиғилган зараркунандаларни териб, йўқ қиламиз. Картошка бўлагининг юзасидан бир қатлам кесиб олиб, кесимни янгилаймиз ва яна чуқурчага кўмамиз. Бундай тузоқни ёз давомида қўллаш мумкин.

Президент 2024 йил 7 августда “ПРОБАЦИЯ ТЎҒРИСИДА”ги қонунни имзолади.

Президент “Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ҚОНУНГА ИМЗО ЧЕКДИ.

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази “Lex.uz”да МАТНЛАРНИ ТИНГЛАШ функциясини ишга туширди.

ТАКЛИФ, ТАШАББУС, НАТИЖА

Тадбиркор бўлмоқчи кўп, аммо ичимлик сув ва табиий газ муаммо

Чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган маҳаллада ёшлар 1 519 нафарни ташкил этади. Йил бошида тўққиз нафар ишсиз рўйхатга олиниб, барчаси ишга жойланди. “Ёшлар дафтари”га киритилган 16 нафар йигит-қизнинг 4 нафарига контракт тўловлари ўтказиб берилди. Бир нафарининг ҳарбий хизмат тўлови қопланди.

Бундан ташқари, жами 18 нафар ёшга ҳайдовчилик, тикувчилик ўқув курсида таҳсил олиши учун ёрдам кўрсатдик. Имтиёзли кредит сўраб, етти нафар ёш мурожаат қилган эди. Уларнинг илтимоси қаноатлантирилиб, маблағ ажратилди. Икки нафари иссиқхона қуриб, унда помидор, булғор қалампири етиштириб, мўмай даромад олди.

Юсуф Менглиев мотороллер харид қилиб, ўзини банд қилди. Абдувоҳид Бегимқулов хусусий бизнесини йўлга қўйди. У автомобиль ювиш шохобчасини очди. 30 йил муддатга ижара асосида ер олган ёшларимиз асосан маккажўхори экиб, даромад кўряпти.

Севара Эрматова — шундай ёшлардан. У ишсиз сифатида рўйхатга олинган. 2022 йилда мактабни тугатганидан сўнг, бир неча бор олий ўқув юртига ҳужжат топширди. Омади келмадими, ўқишга киролмади. Таклифим билан унга ижара асосида фойдаланиш учун 30 йил муддатга 50 сотих ер берилди. Бу майдонга маккажўхори эккан эди. Ҳосил чўғи ёмонмас. 10 миллион сўм даромад кутяпти.

Қишлоқ қизи-да, меҳнатда тобланиб ўсгани учун ер чопиш, унга уруғ қадаш, етиштириш каби ишларни жуда яхши билади. Айнан маккажўхори эккани бежизмас. Чунки бу экин тури дунёда энг ҳосилдор учта маҳсулотнинг биттаси ҳисобланади.

Ичимлик сув ва табиий газ муаммоси — оғриқли нуқтамиз. Чунки тадбиркорлик истагидаги айрим ёшлар сув ва табиий газ йўқлиги учун фаолиятини бошлашга иккиланмоқда.

Уйма-уй юриб, аҳоли фикрини ўрганганимда, инфратузилма билан боғлиқ муаммоларга ечим сўрашади. Масалан, ичимлик сув ва табиий газ муаммоси — оғриқли нуқтамиз. Чунки тадбиркорлик истагидаги айрим ёшлар сув ва табиий газ йўқлиги учун фаолиятини бошлашга иккиланмоқда. Марказ билан боғловчи асосий йўл таъмирталаб. Бундан ташқари, маҳалла ёшлари спорт объекти қурилишини хоҳлашмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, етакчилар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш имконини берувчи турли мусобақалар ўтказиш таклифини билдирмоқчиман. Бу орқали бир-биримизни яқиндан таниймиз, жонли мулоқотларда янгиликлардан хабардор бўламиз.

Зиёдулла ЭШҚУЛОВ,
Бандихон туманидаги “Гулбоғ” маҳалласи ёшлар етакчиси.

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ТАКЛИФИ

“Мактабга қатнаш учун пиёдалар йўлаги зарур”

Яшнар ЎРОЗАЛИЕВ,
Гурлан туманидаги “Навбир ёп” маҳалласи ёшлар етакчиси:

— Маҳалламизда 1 926 нафар ёшлар рўйхатга олинган. Туман марказига яқин жойлашганимиз сабабли инфратузилма билан боғлиқ муаммо кузатилмайди. Ўсиш нуқтамиз савдо ва хизмат кўрсатиш бўлиб, ёшлар бандлигини таъминлашда шу жиҳатга катта эътибор беряпмиз. Хатловда аниқланган 62 нафар ишсизнинг аксариятига субсидия ва кредит ажратилди. Ҳозир улар ўзини ўзи банд қилди.

Шу билан бирга йигит-қизлар қизиқиши, муаммоси, таклифини ўрганганимизда, бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун кичик футбол майдони, компьютер марказига эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, пиёдалар йўлакчаси йўқлиги учун ҳудуддаги 23-мактабда таълим олаётган ўқувчилар қатнашга қийналади. Бу масалада туман ҳокимлигига таклиф билан мурожаат қилганмиз. Яқин кунларда муаммо ижобий ҳал бўлишидан умидвормиз.

“Йўлимиз таъмирталаб, қишда лой, ёзда чанг”

Учқунбек ЖУМАНАЗАРОВ,
Қўшкўпир туманидаги “Ўрта қишлоқ” маҳалласи ёшлар етакчиси:

— Ёшлар билан ишлашда туман ҳокимлиги, сектор раҳбари яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳар қандай масалага маҳаллада ижобий ечим топилмоқда. Аммо ҳудудда кичик спорт майдони йўқ. Бу бўйича туман ҳокимлигига мурожаат қилгандик. Масъуллар давлат-хусусий шерикчилик асосида майдон қуришга рухсат берди. Агар спорт майдони тадбиркор иштирокида қурилса, пуллик хизмат кўрсатади.

Навбатдаги масала — инфратузилма билан боғлиқ. Қўшни “Полвон” маҳалласини боғловчи Бедил кўчасидаги 2,5 км. асосий қатнов йўл таъмирталаб. Қишда лой, ёзда чанг. Шу йўл асфальтлаб берилса, узоғимиз яқин бўлади.

“Маҳаллага касб-ҳунар курси керак”

Фозилбек ИЛҲОМОВ,
Хозарасп туманидаги Паҳлавон Маҳмуд номидаги маҳалла ёшлар етакчиси:

— Охирги хатловда аниқланган 1 200 нафар ёшнинг 10 нафари ишсиз эди. Бугунгача 6 нафарининг бандлиги таъминланди. “Драйвер”имиздан келиб чиқиб, қолган 4 нафар ёшга кредит ажратиш жараёни давом этмоқда.

Ишда ечилмай қолган муаммо йўқ. Фақат айрим таклифлар ваколатимиз доирасидан ташқарида бўлгани учун масъуллар эътибори зарур. Масалан, ҳудудда спорт майдони йўқ. Йигит-қизлар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш учун маҳалла кутубхонасига эҳтиёж катта.

Тажрибада касб-ҳунар ўрганиш истагидаги йигит-қизлар учун шундай курслар ташкил этиш заруратини аниқладим. Тўғри, туман марказида мономарказ фаолият олиб бормоқда. Аммо у ерга асосан, ишсиз ёшлар йўналтирилади. Агар маҳалла ҳудудида касб-ҳунар курслари ташкил этилса, юқори синф ўқувчиларининг эртароқ ҳаётга тайёрлаш ва бандлигини таъминлаш мумкин бўлади.

КУН САВОЛИ

Қандай ҳолда 18 ЁШГА ТЎЛМАГАНЛАР ишга қабул қилинади?

“Меҳнат кодекси”да бу масалада кафолатлар белгиланган. Унга кўра, минимал иш жойлари ҳисобидан ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлардан юборилган, 18 ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиши шарт. Минимал иш жойлари ҳисобидан ишга қабул қилишни рад этиш тақиқланади. Агар юқоридаги тартиб бузилса, рад этиш устидан судга шикоят қилиш мумкин.

18 ёшга тўлмаган барча шахслар дастлабки тиббий кўрикдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилинади. Кейинчалик 18 ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда бу вазифани бажаради.

18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ноқулай меҳнат шароитида, ер ости ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонун ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар.

МЕНДА Савол БОР...

Зубайда ГУЛМИРЗАЕВА.
Янгийўл туманидаги “Гулистон” маҳалласи.

— 28 ёшдаман. Маҳалла ижтимоий аҳволимни ўрганиб, “Темир дафтар”га киритган. Фарзандимнинг саломатлигида муаммо кузатилиб, уни даволатиш учун маблағ зарур бўляпти. Бу вазиятда даволатиш билан боғлиқ харажатни қоплашга қандай ёрдам олсам бўлади?

“Фарзандимни даволатиш учун ёрдам бериладими?”

Исломжон АБДУРАҲМОНОВ,
“Мадад” НТТ ижрочи директори ўринбосари:

— Ушбу вазиятда сизга моддий кўмак кўрсатилади. Ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ёшларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан, “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг аҳволи оғир бўлган бемор фарзандларига мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларини базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошмаган миқдорда қоплашга ҳам йўналтирилади.

Туман(шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Васийлик кенгаши раиси ва “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларини бошқарувчи ҳисобланади.

Шу сабабли, сиз аҳволи оғир бўлган бемор фарзандингизни даволатиш билан боғлиқ харажатни қоплашга ёрдам бериш юзасидан Ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Васийлик кенгаши раисига мурожаат қилишингиз мақсадга мувофиқ.

Эндиликда пробация назоратидаги шахсга нисбатан ЭЛЕКТРОН БРАСЛЕТ қўлланилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган BYD E2 электромобили 242 миллион сўмдан сотилиши маълум бўлди.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида 1 млн. экилмаган кўчат ҳисоботларга ҚЎШИБ ЁЗИЛГАН.

МОҲИЯТ

Ҳунармандлар учун ҚАНДАЙ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БОР?

Бугунги кунда ҳунармандчилик турлари билан шуғулланиб, ўзини ўзи банд қилган, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган юртдошларимиз сони кўпаймоқда. Ҳунармандлар учун бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда. Шу ўринда ҳунармандчилик фаолияти билан энди шуғулланмоқчи бўлаётган фуқароларга ҳунармандлар қандай фаолият юритиши, қандай солиқ турларини тўлаши ва ҳунармандлар реестрига киритилиши ҳақида зарур маълумотлар бериб ўтамиз.

Аҳмад ФАЙЗИЕВ,
Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи.

Ҳунарманд (уста-ҳунарманд, уста) — мустақил равишда ёки шогирдлари ёрдамида **анъанавий технологиялар асосида ҳунармандчилик фаолияти буюмлари** ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни тайёрловчи жисмоний шахс. Бу жараёнда улар буюмларнинг функционал хусусиятларининг тарихан қарор топган талабларига ҳамда меъёрларига жавоб берадиган махсус кўникмалар, асбоблар ва кичик механизация воситаларидан фойдаланилади. **15 ёшдан ошган** жисмоний шахслар ҳунарманднинг шогирди бўлиши мумкин.

ҚАНДАЙ ҲУНАРМАНДЛАР ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТАДИ?

Ҳунармандчилик фаолияти субъектлари **new.birdarcha.uz** сайти ёки Давлат хизматлари маркази орқали давлат рўйхатидан ўтади. Уларга якка тартибдаги тадбиркор **(ЯТТ)ларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида** белгиланган намунадаги **гувоҳнома** берилади. Унда ҳунармандчилик фаолияти йўналишлари кўрсатилади.

Улар учун давлат божи миқдори ЯТТларга белгиланган давлат божи миқдорининг 50 фоизини, яъни БҲМнинг 0,5 баробарини ташкил этади.

43 ТУРДАГИ ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА

Ҳунармандлар 43 турдаги фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Ҳунарманд **кўпи билан 5 нафар шогирд** жалб этиши ва ЯТТ каби **5 нафаргача ходим ёллаши мумкин.** Ёлланма ходимларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш лозим. **Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталогига** киритилган ҳунармандлар учун **шогирдлар сони чекланмаган.**

КИМЛАР МИЛЛИЙ КАТАЛОГГА КИРИТИЛАДИ?

Миллий каталогга қуйидаги ҳунармандлар киритилади:

— нуфузли халқаро кўргазма, кўрик-танлов каби тадбирларда ғолиб ёки лауреат сифатида эътироф этилганлар;

— тегишли соҳада санъат ва фан арбоби ҳамда академикларнинг тавсиясига эга бўлганлар;

— “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвонига эга бўлган ҳунармандлар.

РЕЕСТРГА-ЧИ?

Ҳунармандлар реестрига “Ҳунарманд” уюшмасининг қуйидаги аъзолари киритилади:

— туристик маршрутдаги манзил бўйича ўз устахонасида ёки ижара асосида фаолият юритувчилар;

— ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни галереялар, ҳунармандчилик маҳсулотлари дўконлари, маҳаллий ва хорижий савдо уйларига шартнома асосида намойиш ва сотиш учун қўяётганлар;

— Миллий каталогга киритилганлар;

— “Ҳунарманд” уюшмасининг Бадиий кенгаши томонидан тавсия этилганлар.

ҚАНДАЙ СОЛИҚ ТУРЛАРИ ТЎЛАНАДИ?

“Ҳунарманд” уюшмаси аъзолари ҳунармандчилик маҳсулотларини (товарларини, хизматларини) ишлаб чиқариш ҳамда савдо қилишни амалга оширганда **қатъий белгиланган миқдордаги даромад солиғини тўлашдан озод этилади.** Агар ҳунарманд Уюшма аъзоси бўлмаса, қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи **(ЖШОДС) тўлайди.**

“Ҳунарманд” уюшмаси аъзолари ҳунармандчилик маҳсулотларини (товарларини, хизматларини) ишлаб чиқариш ҳамда савдо қилишни амалга оширганда қатъий белгиланган миқдордаги даромад солиғини тўлашдан озод этилади.

2023 йил 1 июндан 2025 йил 1 январга қадар Миллий каталог ва Реестрга киритилган ҳунармандлар учун айланмадан олинадиган солиқ (АОС) ставкаси **50 фоизга камайтирилган.** Яъни улар солиқни **40 фоиз ставка ўрнига 20 фоиз ставкада** тўлайди. АОСни ҳам қатъий белгиланган суммада тўлаш мумкин.

“Ҳунарманд” уюшмасига аъзо бўлган ҳунармандлар меҳнат стажини ҳисоблаш учун ўзлари ва ходимлари учун йилига **базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баробари (340 000 сўм) миқдорида ижтимоий солиқ** тўлаши лозим. **Ёшга доир пенсия ва нафақа олувчи** ҳунармандчилик фаолияти субъектлари бўлган “Ҳунарманд” уюшмасининг аъзолари **ижтимоий солиқ тўлашдан озод этилади.**

“Ҳунарманд” уюшмасига аъзо ҳунармандларга профессионал таълим муассасаларининг махсус устахоналарида ҳунармандчилик бўйича таълим беришда якка тартибдаги тадбиркорлар каби шартнома тузиш ва кўрсатилган хизмат учун солиқ тўламаслик ҳуқуқи берилади.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

«ТАДБИРКОРЛАР РАСМИЙ ИШЛАШ ТАРТИБИГА ЎТКАЗИЛДИ»

Шоҳжаҳон СОҲИБЖОНОВ,
Хонобод шаҳридаги “Тейит” ва Абдурауф Фитрат номидаги маҳаллалари солиқ инспектори.

Хонобод шаҳри туристик марказга айлангач, бу ерга келувчи маҳаллий ва хорижий сайёҳлар сони ошди. Ўз навбатида, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар кўпаймоқда. Натижада тадбиркорлик субъектларида тушум ортяпти. Айниқса, “Дунё садолари” халқаро миллий эстрада санъати фестивалидан кейин аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи янада ортди.

Албатта, солиқ инспекторлари “маҳаллабай” иш бошлагач, тадбиркорлик субъектлари сони кўпайди. Аввалари ҳужжатда бор солиқ тўловчилар билан ишлаган бўлсак, эндиликда маҳаллаларда қўшимча манбаларни аниқлаш ҳисобига маҳаллий бюджетга тушумларни кўпайтиришга эътибор қаратяпмиз. Бўш турган бино ва ер майдонларини рўйхатдан ўтказиб, уларга солиқ тўлови жорий этилди.

Савдо фаолияти тадбиркорлик ҳужжатларига мос келмайдиган тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларини тўғирлаб чиқдик. Масалан, бирор дўконга кирсангиз, чакана савдо, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланмоқда. Ҳужжатида эса миллий ширинлик, қадоқлаш фаолияти билан шуғулланиши белгиланган. Корхона ва ташкилотларда норасмий ишлаётган ишчи-ходимларнинг фаолияти қонунийлаштирилиб, уларнинг расмий бандлиги таъминланмоқда. Бунинг натижасида яширин иқтисодиётнинг олди олиниб, тадбиркорлар расмий ишлаш тартибига ўтказилди.

Албатта, бу ишларни тўғридан-тўғри қилмадик, аввало, “еттилик” аъзолари, кўчабоши ва уйбошилари билан кўчалар ва кўп қаватли уйлардаги ҳолатларни ўрганиб чиқиб, фуқароларга солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтирдик. Тадбиркорларга мавжуд имтиёз ва имкониятлар ҳақида маълумотларни, зарур маслаҳатларни бердик.

Бугунги кунда ҳудудимизда ўнлаб савдо-сотиқ дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, меҳмонхона ва тўқимачилик корхонаси фаолият юритмоқда. Энг кўп солиқ тўловчиларимиз, бу – мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари бўлиб, уларнинг сони 2 977 та. Шу боис аҳоли ўртасида ушбу солиқ турини ўз вақтида тўлашларини, тўланган солиқ тушумларининг 10 фоизи “Маҳалла бюджети”да қолишини, ушбу маблағлар маҳаллалар ободлигига, янги иш ўрни яратилишига, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилишини тушунтиряпмиз.

Савдо фаолияти тадбиркорлик ҳужжатларига мос келмайдиган тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларини тўғирлаб чиқдик.

Келгуси режаларимиздан бири, маҳаллаларда қўшимча манбаларни аниқлаш ҳисобига маҳаллий бюджетга тушумларни ошириш. Бунинг учун, аввало, рўйхатга олинмаган ер майдонларини давлат рўйхатидан ўтказиб, уларга солиқ ҳисоблатиш ва шу орқали солиқ тушумини таъминлаш. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилиб, уйида чеварчилик ва бошқа ишлар билан шуғулланаётган фуқароларни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олиш, ЯТТларнинг даромадини 100 млн. сўмдан ошириб, айланмадан олинадиган солиқ тўловчиларга, айланмадан олинадиган солиқ тўловчиларнинг даромадини кўпайтириб, қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтказиш режаларимиз бор.

Бир сўз билан айтганда, “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларини ўзини ўзи банд қилган фуқародан йирик солиқ тўловчиларга айлантиришни мақсад қилганмиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Даврон РАЖАБОВ.
Сирдарё вилояти:

— Етим қолганим сабабли менга давлат ҳисобидан уй берилди. Лекин ушбу уй-жойим учун солиқ қарзи чиқяпти. Мен шу уй учун солиқ тўлашим керакми?

ЕТИМ БОЛАЛАР КВАРТИРА УЧУН СОЛИҚ ТЎЛАЙДИМИ?

Умид НАСРИДДИНОВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори:

— Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мол-мулки мол-мулк солиғидан озод қилинган.

Мазкур имтиёз бундай болаларга давлат томонидан ажратиладиган уй-жой учун улар 23 ёшга тўлгунига қадар амал қилади. Мулкдорнинг танловига кўра, мазкур имтиёз фақат битта яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулк объектига татбиқ этилади. Имтиёздан фойдаланиш учун сиз ушбу турар-жой жойлашган жойдаги солиқ органларига имтиёзга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этишингиз лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, агар сиз 23 ёшга тўлмаган бўлсангиз, у ҳолда ушбу квартира учун мол-мулк солиғидан озод қилинасиз. Солиқ органларига имтиёз олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этиш орқали имтиёздан фойдаланишингиз мумкин.

ҚЎЛЛАНМА

Солиқларни ўз вақтида тўланг, ЙЎҚСА...

ЖАМИЯТИМИЗДА ФАОЛ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР БИЛАН БИРГА, МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҒИДАН, ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДАН ҚАРЗИ БОРЛАР ҲАМ БОР. БАЪЗИЛАРИ ҚАНЧАЛИК ОГОҲЛАНТИРИЛМАСИН, СОЛИҚЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШНИ ИСТАМАЙДИ. ОҚИБАТДА СОЛИҚ ИНСПЕКТОРЛАРИ УЙМА-УЙ, КОРХОНАМА-КОРХОНА ЮРИБ, УЛАРНИНГ ЭШИГИНИ ТАҚИЛЛАТИШГА МАЖБУР БЎЛАДИ.

Исматулло СЕВИНЧОВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Хўш, солиқ қарзи нима? Уни ўз вақтида тўламаса қўшимча пенялар ҳисобланадими? Солиқ қарзига нисбатан қандай чоралар кўрилади?

Солиқ қарзи – бу солиқ ҳисоботлари ёки солиқ текширувлари бўйича ҳисобланган ва белгиланган муддатларда тўланмаган солиқлар, бўнак ва жорий тўловлар ёки молиявий санкция ва пенялар.

Ҳар бир солиқ тўловчи қарздорликни **“Солиқ” мобил иловасининг “Солиқ бизнес” бўлимида кўриши мумкин. Агар солиқ қарзингиз бўлса,** дастлаб солиқлар суммасини, кейин ҳисобланган пенялар ва жарималарни кетма-кетликда тўлайсиз.

Солиқ кодексида ҳар бир солиқ тури бўйича ҳисобот тақдим этиш ва солиқларни тўлаш муддатлари белгиланган. **Мисол учун,** қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирилмаган муддатда ҳисобот тақдим этилиши ва солиқ тўланиши шарт. Айланмадан олинадиган солиқ (АОС) бўйича ой якунлари бўйича ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан, йил якунлари бўйича кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай ҳисобот тақдим қилинади ва тўлов амалга оширилади.

Жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиқлари жорий йил учун тўловлар тенг улушларда 15 апрель ва 15 октябрга қадар амалга оширилади.

СОЛИҚ ҚАРЗИГА НИСБАТАН ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛАДИ?

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркор(ЯТТ)ларга нисбатан солиқларни тўлаш муддати ўтганидан кейин **3 кундан кечиктирмай солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома юборилади** ва солиқларни тўлаш учун тўлов топшириқномалари тақдим этилмаган бўлса, уларнинг банк ҳисобварақларига солиқ органлари томонидан **автоматлаштирилган тизим орқали инкассо топшириқномалари қўйилади.**

Тан олинган солиқ қарзи бўйича, яъни солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома берилган санадан бошлаб **10 календарь кун ичида** солиқ тўловчи томонидан эътироз билдирилмаган тақдирда юридик шахсларнинг мол-мулкларига нисбатан тақиқ қўйилади ва 15 календарь кун ичида тўлиқ бажарилмаган тақдирда солиқ органининг қарори билан мол-мулки хатланиши мумкин.

Шунингдек, юридик шахс ва ЯТТ томонидан солиқ қарзини узиш тўғрисидаги **талабнома олинган кундан эътиборан 60 календарь кун ичида солиқ қарзи тўланмаган тақдирда** солиқ органи қарори асосида ундирув солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратилади ва қарор **Мажбурий ижро бюроларига юборилади.**

Жисмоний шахснинг солиқ қарзи умумий суммаси **1 млн. сўмдан ошган тақдирда,** солиқ органи солиқ қарзини ундириш юзасидан **судга ариза киритади** ва суд қарори ижроси **Мажбурий ижро бюроси томонидан амалга оширилади.**

ПЕНЯ НИМА?

Пеня солиқ тўловчи солиқ тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган солиқларни тўлаш муддатларини бузган тақдирда айбдорга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилишидан қатъи назар тўланмаган солиқ суммасига нисбатан кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун фоизларда ҳисобланади.

Пенянинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг шу даврда амалда бўлган **қайта молиялаш ставкаси(13,5 фоиз)**нинг 1/300га тенг этиб қабул қилинади. **Мисол учун,** 10 млн. сўм миқдоридаги солиқ қарзи учун пеня қуйидаги тартибда ҳисобланади:

10 000 000 x (13,5%/300) = 4 500.

Солиқ қарзини тўлаш бир кунга кечиктирилганда 4,5 минг сўм пеня ҳисобланади. Ҳисобланган пенялар ҳам солиқ қарзи ҳисобланади ва солиқ органлари томонидан юқорида қайд қилинган мажбурий ундирув чоралари қўлланилади.

Марказий Осиё давлатлари энергия манбаларидан УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИШНИ таъминлашга келишиб олди.

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан янги “HET BILLING” дастурий комплекси тўлиқ ишга туширилди.

20 августга қадар 1 синф ўқувчиларига “ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ” етказилади.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

ТАЪСИРЧАН ЧОРА ҚЎЛЛАНМАСА, безорилик давом этаверади

“Сайилжойи” маҳалласи Жиззах шаҳар марказида жойлашган. Бу ерда турли давлат ташкилотлари, 5 та банк, 4 та коллеж, иккита бозор, битта мактаб, икки юздан ортиқ савдо дўконлари ва тўйхона бор. Шу боис шаҳарнинг энг гавжум масканларидан бири.

Муҳиддин КЕНЖАЕВ,
Жиззах шаҳридаги “Сайилжойи” маҳалласи профилактика инспектори

Ўз навбатида, бундай ҳудудларда турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир бўлиб туради. Уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этиш учун маҳалланинг турли ҳудудларига 800 та кузатув камераси ўрнатилиб, хизмат хонамга интеграция қилинди. Маҳалла фуқаролари билан тезкор алоқа ўрнатиш учун алоҳида телеграм гуруҳ очиб, фуқароларга шахсий телефон рақамимни берганман.

Афсуски, фуқаролар ҳамон соддалиги туфайли фирибгарлар алдовига тушиб қолмоқда. Улар телефон қўнғироқларидаги ёлғон сўзлашувларга ишониб, пластик карта рақамларини фирибгарларга бериб қўймоқда. Натижада бор пулидан айрилиб қолмоқда. Шунингдек, ўз номига бировларга кредит олиб бериб, чув тушган фуқаролар бор.

Яна бир ҳолат: йўл бўйларига шахсий автомашиналари эшикларини очиқ ҳолатда, калити билан ташлаб кетаётган ҳайдовчилар ўғрилар нишонига айланмоқда. Бунинг оқибатида автотранспорт олиб қочиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ана шундай фирибгарлик ва ўғриликларнинг олдини олиш мақсадида фуқаролар ўртасида тушунтириш тарғиботлари ўтказилиб, бундай ҳолатларда қандай йўл тутишлари учун махсус қўлланмалар тарқатилмоқда. Жабрланган фуқароларга ҳуқуқий ва амалий ёрдамлар кўрсатиляпти. Бу борада “Хавфсиз маҳалла ва мулкий турдаги жиноятлар профилактикаси ойлиги”ни ўтказяпмиз.

Ҳудудда таълим муассасалари кўп. Шу боис вояга етмаган ёшлар билан доимий мулоқотдамиз. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун ёшлар етакчиси ҳамкорлигида турли фан ва спорт тўгараклари ташкил этилган. Маҳаллада жойлашган Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази спортсевар ёшлар учун муҳим масканга айланган. Бу ердаги спорт тўгаракларига уюшмаган ёшлар ҳам кенг жалб этилмоқда.

Бироқ ўқув йили даврида ўқувчи-ёшлар ўртасида ўзаро жанжал оқибатида тан жароҳати билан боғлиқ жиноятлар кузатилмоқда. Вояга етмаган ёшларга тўғридан-тўғри жазо чоралари қўллаш ваколатимиз бўлмагани учун фақат уларнинг ота-онасини жавобгарликка тортиш, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга хат йўллаш билан чегараланяпмиз. Агар мана шундай безорилик ҳолатларини содир этган ўқувчиларга таъсирчан, масалан, ўқишдан ҳайдаш чоралари қўлланилса, натижаси самаралироқ бўларди, деб ўйлайман.

Бугунги кунда фуқароларнинг телефонини йўқотиб қўйиши билан боғлиқ шикоятлар кўпаймоқда. Йўқотилган ёки ўғриланган телефонларни топиш осон эмас. Ҳар бир фуқаро номидаги телефон маълумотини олиш учун тегишли ташкилотга ёзма мурожаат қилишимиз керак. Агар ушбу масала билан шуғулланиш тўғридан-тўғри профилактика инспекторлари ваколатига берилса, ортиқча вақт йўқотилмас эди. Яна бир масала, жиноят содир этган, судланган, қамоқдан озод қилинган фуқароларни узоқ муддатга профилактик ҳисобига қўйиш керак.

Асосий жиноятлар тунда содир этилади. Шу боис келгусида “Фидокор ёшлар” гуруҳи аъзолари сонини кўпайтириб, ҳар бир кўчага навбатчилик ташкил этишни режалаштиряпмиз. Мақсадимиз, “маҳалла еттилиги” профилактика инспектори ёрдамчиси, миллий гвардия ва патруль-пост ходимлари билан елкама-елка туриб, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш.

ЖАРАЁН

Профилактика инспекторлари ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Бекмурод Абдуллаев бошчилигида Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасида кенгайтирилган йўриқнома ўтказилди. Унда вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва ходимлари иштирок этди.

Йўриқномада аҳоли осойишталигини сақлаш, криминоген вазият барқарорлигини таъминлашга қаратилган аниқ вазифалар белгиланди. Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш ишларига ички ишлар бошқармасининг куч воситалари жалб этилди.

Соҳа ходимлари ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан бирга, мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олиш, аҳолини огоҳликка чорлаш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғиботлар тадбирларини янада жадаллаштириш кераклиги таъкидланди.

Шундан сўнг, шаҳардаги **“Маданият” маҳалласи**да “маҳалла еттилиги” вакиллари билан суҳбатлашиб, маҳалла профилактика инспекторининг иш фаолияти ўрганилди. Ҳуқуқбузарлик содир этиши ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан олиб борилиши керак бўлган ижтимоий профилактика чора-тадбирлар борасида зарур тавсиялар берилди.

Зомин тумани ва Жиззах шаҳрида олиб борилаётган тунги хизмат фаолияти билан танишди.

Зомин тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасида аҳолининг “102” тизими орқали келиб тушаётган жиноят ва ҳодисалар юзасидан аризаларини қабул қилиш ва уларни ҳал этиш аҳволи текширилиб, тунги хизматга жалб этилган ходимлар ва тергов тезкор гуруҳи аъзолари билан мулоқотда бўлди. Уларга хизматни ҳушёрлик билан олиб бориш ҳамда хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий амал қилиши айтилди.

Шу туманда жойлашган **“Мустақиллик” маҳалласи** 9-сонли ҳуқуқ-тартибот масканида хизмат олиб бораётган ходимларнинг тунги хизмати ва **“маҳалла еттилиги” фаолияти ўрганилди.** “Ижтимоий профилактика” тизими доирасида маҳаллада аҳолининг муаммоларини ҳал этиш сифатини ошириш, шу билан бирга, “маҳалла еттилиги” билан биргаликда бир ёқадан бош чиқариб, ҳамкорликда ишлаши юзасидан топшириқлар белгиланди.

Жараёнда Жиззах шаҳридаги йирик савдо шохобчалари ва аҳоли гавжум масканларга ҳам ташриф буюрилди ва у ерда хизмат олиб бораётган ходимлар билан мулоқотда бўлиб, хизматни намунали ташкил этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти Ахборот хизмати

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Қандай ҳимояланиш мумкин?

Сўнгги вақтларда мамлакатимизда телеграм аккаунтларини ўғрилаш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Телеграм аккаунтларни ўғрилаш мақсадида киберҳужумлар асосан, ўзбек журналистлари, медиа менежерлари, маркетологлар, шунингдек, давлат идоралари нишонга олинган.

Киберхавфсизлик ҳодисаларига чора кўриш хизмати мутахассислари телеграм аккаунтларини ўғрилаш билан боғлиқ бир қанча ҳолатларни аниқлади. Хўш, бу тизим қандай ишлайди?

Биринчи ҳолатда жабрланувчи гуруҳга қўшилади ва танлов иштирокчисига овоз бериш сўралади. **Масалан,** “Энг яхши лойиҳа” ёки “«Энг яхши маркетинг мутахассиси” мавзусида бўлиши мумкин.

Иккинчи ҳолат – гуруҳдаги сўровномадаги иккита номзоддан бирини танлашингиз билан сўровномага бириктирилган ҳавола сохта доменга олиб келади.

Учинчи ҳолат – сўровномага овоз бериш учун маъқул вариантни танлаганингиздан сўнг, сизни бошқа ресурсга йўналтириш содир бўлади. Кейин овоз беришни якунлаш учун улар телеграмга QR ёки “SMS” код орқали киришни таклиф қилишади.

Тўртинчи ҳолатда жабрланувчининг аккаунти бузиб кирилади. Бошқача қилиб

айтганда, ўғриланади.

Шу боис **телеграмда ўз ҳисобингизни ўғрилашдан қандай ҳимояланишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамиз. Аввало,** тезкор мессенжерларда барча хавфсизлик воситаларини, жумладан, икки факторли аутентификация хавфсизлик тизимини ёқинг ва мураккаб пароллардан фойдаланинг. Шубҳали ҳаволаларни босманг. Шубҳали манбаларга “SMS” ва огоҳлантириш (Push) орқали келган кодларни киритманг.

Агар қариндошингиз, дўстингиз ёки ҳамкасбингиз сизга овоз беришингизни ёки танловда иштирок этишингизни сўраб хабар юборган бўлса, ушбу келган хабарда зарарли линк бириктирилмаганлигига қайта текшириб ишонч ҳосил қилинг.

Киберхавфсизлик маркази.

МОҲИЯТ

Пробация хизмати қонун билан мустаҳкамланди

Президентнинг 2018 йил 7 ноябрдаги қарори билан илк бор Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузурида Пробация хизмати ташкил этилган эди. Хизматнинг мақсади – озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар томонидан жазо ижро этилишини таъминлаш, шунингдек, жазо муддатидан илгари шартли озод қилинган ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмаганларнинг ҳулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга оширишдир.

Мақсадбек ҚЎЧҚОРОВ.

Энг муҳими, мазкур шахсларнинг ижтимоий мослашувига, ўқиш ва ишга жойлашишига ҳамда уларга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилишига кўмаклашади. Шу билан бирга, назоратдаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Бугунги кунда маҳаллалардаги профилактика инспекторлари пробация ҳисобидаги шахслар билан манзилли ишламоқда. Бундай шахслар тақдирини ижобий томонга ўзгартириб, уларни жамиятнинг фаол аъзоси сифатида тўғри йўлга бошламоқда.

Бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиб, Президент **“Пробация тўғрисида”ги қонунни имзолади.** Қонунга кўра, **пробация** – муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тарзидаги жазоларнинг ижро этилишини таъминлашга, маҳкумларга ижтимоий-ҳуқуқий ва тарбиявий таъсир кўрсатишга, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам беришга, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлашга, бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Эндиликда Вазирлар Маҳкамаси пробацияни амалга ошириш соҳасида ягона давлат сиёсати рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг пробация хизмати пробацияни амалга ошириш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади.

Пробация назоратини амалга оширишга кўмаклашувчи субъектлар жумласига қуйидагилар киради:

– меҳнат органлари;

– давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

– Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари;

– таълим соҳасидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва таълим ташкилотлари;

– Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

Шахсни пробация ҳисобига қўйиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори, шунингдек, амнистия акти ёхуд афв этиш асос бўлади.

Қонунга кўра, шахсни пробация ҳисобига қўйиш мазкур шахснинг яшаш жойидаги туман (шаҳар) пробация бўлинмасининг ходими маълумотларни пробацияга оид ахборот тизимига киритиш орқали амалга оширилади.

Электрон кузатув воситаси (электрон браслет) озодликни чеклаш тарзидаги жазони ўташ тартиби талабларини бажармаётганлиги тўғрисида расмий равишда огоҳлантирилган ёки озодликни чеклаш тарзидаги жазони ўташ даврида жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортилган пробация назоратидаги шахсга нисбатан туман (шаҳар) **пробация бўлинмаси бошлиғининг қарори асосида қўлланилади.**

Пробация назоратидаги шахсларга **тарбиявий таъсир кўрсатиш** уларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш мақсадида амалга оширилади. Назоратдаги шахсларнинг ҳулқ-атвори белгиланган мезонлар асосида **ҳар 3 ойда баҳоланади** ва уларнинг ижтимоий-психологик қиёфаларида акс эттирилади.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан, яъни 2024 йил 7 августдан кучга кирди.

Бугунги кунда маҳаллалардаги профилактика инспекторлари пробация ҳисобидаги шахслар билан манзилли ишламоқда.

Томорқа ерлар учун қуёш энергиясидан қувват оладиган ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ тизими ишга туширилди.

Бу йил рўйхатдан ўтган 65 минг нафардан ортиқ абитуриент тест синовларида ИШТИРОК ЭТМАГАН.

“Soliq” мобиль иловасида тадбиркорлар учун “СОЛИҚ БИЗНЕС” хизмати ишга туширилди.

Олдимизга ҳар хил кайфиятдаги инсонлар ёрдам сўраб келади. Айниқса, имконияти чекланган, ногирон фарзанд парваришлаётган оналар бошдан кечирган қийинчиликлар сабаб анча асабий ҳолатда эканига гувоҳ бўламиз. Уларни имкон қадар тинчлантириб, кўрсатишимиз мумкин бўлган хизматлар ҳақида маълумот берганимиздан кейин анча ўзига келади.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

“Орзусига қанот, мақсадига мадад бўлдик, руҳлантирдик”

Идорада ўтириб ишлашдан кўра, кўпроқ хонадонларни айланишни афзал кўраман. Одамлар билан юзма-юз гаплашиб, уларнинг оғирини енгил қилиш билан ўзим ҳам руҳан таскин топаман. Ёрдамга муҳтож инсонлар кўзининг туб-тубидаги ғам-андуҳларни аритиб, нур пайдо бўлишига оз бўлса-да ҳиссамни қўша олаётганимдан кўнглим хотиржам тортади.

Феруза САНАҚУЛОВА,
Каттақўрғон туманидаги “Чароғон” ва “Қиёт” маҳаллалари ижтимоий ходими.

Ҳудудимизда истиқомат қиладиган бир аёл 22 йилдан буён ичкиликка муккасидан кетган эрининг тазйиқларига чидаб яшаб келаётган эди. Ўзи ва 5 нафар фарзанди анча қийинчиликларни бошдан кечирган. Сурункали сиқилиш ва тушкунлик боис қандли диабед хасталигидан азият чекади.

Оиладаги муҳитни яхшилаш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўрганишлар натижасида эркак қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Бу фурсат унинг хатоларини англаб етиши ва янги ҳаёт бошлаши учун етарли бўлди. Ҳозир усталарга шогирд тушиб, ҳунар ўрганяпти. Шу билан бирга, ишлаб, даромад топяпти.

Аёлнинг саломатлигини тиклаш учун йўлланма асосида даволанишига ёрдам бердик. Энди 2-гуруҳ ногиронлигига чиқариш бўйича ҳужжатларини тайёрлаяпмиз. Поликлиника керакли дори-дармон воситалари билан бепул тарзда таъминлаб келмоқда. Психолог кўмагида руҳан тетиклашишига, келажакка умид билан интилишига эришдик. Фарзандлари тақдирида унинг тутган ўрни нақадар муҳим эканини тушуниб, ўзини анча тиклаб олди. Хонадонларда кунлик юмушларни бажариб, рўзғорга ўз ҳиссасини қўшяпти. Энди имкониятидан келиб чиқиб, бирор жойда доимий ишлаш истагида.

Оиланинг кам таъминлангани ва шароити оғирлиги ҳисобга олиниб, уйини таъмирлашда ёрдам кўрсатмоқчимиз. Бундан ташқари, болалар нафақаси олиши учун ҳужжатларни тўғрилаяпмиз.

Шу каби тақдирлар билан юзлашганда, аёл зотининг нақадар сабр-бардошли эканига қайта ва қайта амин бўлавераман. Шунча ситам ва зуғумларга қарамай, оиласи ва фарзандлари учун чидаб яшаш катта жасорат. Лекин гўзал ҳаёт кечириш қайсидир маънода ўзимизга ҳам боғлиқ. Агар билим олсак, касб-ҳунар эгалласак, оилада ва жамиятда ўрнимизга эга бўламиз.

Олдимизга ҳар хил кайфиятдаги инсонлар ёрдам сўраб келади. Айниқса, имконияти чекланган, ногирон фарзанд парваришлаётган оналар бошдан кечирган қийинчиликлар сабаб анча асабий ҳолатда эканига гувоҳ бўламиз. Уларни имкон қадар тинчлантириб, кўрсатишимиз мумкин бўлган хизматлар ҳақида маълумот берганимиздан кейин анча хотиржам бўлади.

Ҳудудимизда истиқомат қиладиган 12 ёшли бола ногиронлиги сабаб юролмайди. Унга ёрдам беришимиз мумкинлигини таклиф қилганимизда, бунинг фойдаси йўқлигини айтиб, тинч қўйишимизни сўради. Инсон ҳеч қачон умидини сўндирмаслиги, доим олдинга ҳаракат қилишини тушунтиришимизга кўп вақт керак бўлди. Ҳозир ногиронлидан сиқилмайди,

шифокорлар ёзиб берган дориларни қабул қилиб, соғайишга интиляпти. Юришда қийналмаслиги учун махсус оёқ кийим олиб бердик. Болакай орзу қилишни, ўз олдига мақсад қўйишни ўрганди.

Оғир хасталикка чалинган ва ногиронлиги бўлган кишилар касб-ҳунар ўрганиш курсларида ўқиши учун қулай шароит яратиб берилиши керак. Масалан, бундай ўқув марказ айни вақтда Каттақўрғон шаҳрида, маҳалламиздан 15 км. узоқликда жойлашган. Бу имконияти чекланганлар учун жуда ноқулай. Агар шундай таълим масканлари туман марказида ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

ЯНГИ ТАРТИБ

ҲАР УЧ АЁЛДАН БИРИ ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАЙДИ...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, жамиятда ҳар уч аёлдан бири зўравонликнинг муайян шаклига учрамоқда. Шунинг учун ривожланган давлатларда бундай шахсларга тезкор психологик, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

Юртимизда тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлларга маҳалла даражасида кўрсатиладиган хизматлар йўқ. Туман даражасидаги амалий ёрдам сифати ҳам юқори эмас. Шу боис май ойида Президент раислигида ўтказилган йиғилишда қайд этилганидек, зўравонлик ҳолатларида ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг 3 босқичли янги тизими жорий этилади.

Унга кўра, маҳалла даражасида ижтимоий ходим, профилактика инспектори ва хотин-қизлар фаоли иштирокида тазйиқ ҳолати ўрганилиб, доимий кузатиб борилади. Туман миқёсида “Инсон” марказларида ҳимоя ордери талаб қилмасдан психологик, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Шифохоналарнинг шошилинч бўлимларида бирламчи кўмак хоналари ташкил этилади. Вилоят даражасида реабилитация марказларида ариза талаб этмаган ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ, 6 ойгача бошпана берилади.

Бундан ташқари, таълим ва меҳнат муносабатларида зўравонликнинг олдини олиш чоралари кўрилади. Ҳимоя ордерини бериш билан бир вақтда зўравонни тузатиш дастури ишлаб чиқилади ва “Инсон” маркази билан келишган ҳолда амалга оширилади. Ички ишлар идоралари зўравонларнинг рўйхатини юритиш тартибини жорий этади.

Зўравонликка учраган шахсларга ижтимоий хизматлар стандарти ишлаб чиқилади. Бу соҳада нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожлантирилади.

ЭЪТИБОР

ОДАМЛАР ОРАСИДА БЎЛМОҚ — КАТТА БАХТ

Гулноза МИРЗАЕВА,
Фарғона шаҳридаги “Симтепа” маҳалласи ижтимоий ходими.

Маҳалламизда яшовчи 2015 йилда таваллуд топган Муҳсинахон Ботиржонова 9 ёшни қаршилаган бўлса-да, шу кунгача таълимга жалб этилмаган эди. Энди ҳаммаси ўзгарди. Унинг кўзларида қувонч бор...

Сабаби, психологик ҳамда педагогик комиссияга ариза киритдик. Белгиланган вақтда комиссия тиббий текширув ўтказди. Муҳсинахоннинг Фарғона шаҳар 1-сонли “Нурли маскан” ихтисослаштирилган мактаб-интернатида таълим олиши мумкинлиги бўйича хулоса берилди. Янги ўқув йилидан бошлаб у 1-синфга чиқади. Фарзандини парваришлаётгани сабабли ишлаш имконияти бўлмаган Маъмурахонга субсидия орқали тикув машинаси олиб берилди. Аёлнинг бандлиги таъминланадиган бўлди. Бир оиланинг ижтимоийлашувига эришилди.

2017 йилда таваллуд топган, ногиронлиги бўлган Муҳаммадзиё Умаржонов мактаб ёшида. Унинг таълим олиши учун махсус комиссияга ариза киритилган эди. Тиббий текширувдан сўнг унинг Фарғона шаҳар 86-сонли ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатида таълим олиши учун хулоса берилди.

Яна бир 2017 йилда туғилган, ногиронлиги бўлган қизалоқ Моҳларой Ўсаржонова ҳам шу таълим масканида таҳсил оладиган бўлди.

Ҳар бир фуқаро таълим олиш, ўқиб-ўрганиш ҳуқуқига эга. Бу унинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, келажаги учун жуда муҳим. Гарчи имконияти чекланган бўлишига қарамай, болаларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш, таҳсил олишига имкон яратиб бериш зиммамиздаги катта масъулият демак.

Ижтимоий ходим лавозимида ишлашдан аввал “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйида 9 йил давомида фаолият олиб борганман. Соҳадаги тажрибам сабаб имконияти чекланган кишиларнинг кечинмаларини яхши ҳис қиламан. Бу хайрли ишни маҳаллада давом эттирар эканман, янада кўпроқ инсонга ёрдам беришга ҳаракат қиляпман. Ногиронлиги туфайли уйидан чиқолмай қолган кишиларнинг ижтимоийлашувини таъминлашни асосий вазифам, деб биламан.

Янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига тўғри тушунтириш баробарида “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиши учун баҳоли қудрат кўмаклашяпмиз.

Ижтимоий ходим лавозимида ишлашдан аввал “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйида 9 йил давомида фаолият олиб борганман.

ЯНГИЛИК

Эҳтиёжманд аҳолининг 101 ТА ТОИФАСИ БЕЛГИЛАНДИ

2024 йил 6 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари учун давлат томонидан кафолатланган ижтимоий хизматларни кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан бир қатор ҳужжатлар тасдиқланди:

- Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари классификатори (101 тоифа);
- Ижтимоий хизматлар классификатори (50 турдаги);
- Ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг маъмурий регламенти ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш миллий стандартларига қўйиладиган талаблар;
- 2024-2026-йилларда ижтимоий хизматларни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури.

Ҳужжатга асосан, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларига ижтимоий хизматларни кўрсатишнинг янги тартиби ўрнатилади. Агар фуқаро ижтимоий хизматларга муҳтож бўлса, ёзма ариза бериши керак. Бу жараёнда унинг ҳаётий шароити баҳоланади ва эҳтиёжлари қонунчиликдаги мезонларга асосланиб аниқланади.

Баъзи хизматлар, масалан, ахборот-маълумот хизматлари, шошилинч хизматлар, одам савдосидан жабрланганларни қайта йўналтириш ёки зўравонликдан жабрланганларга ёрдам беришда ёзма ариза шарт эмас.

Хизматлар ижтимоий ҳимоя дастурлари ва хизматлар классификатори асосида шакллантирилган индивидуал ижтимоий ҳимоя режасига мувофиқ кўрсатилади. Бу ҳолатда шартнома тузилади. Шартнома индивидуал ижтимоий ҳимоя режасида кўрсатилган санадан бир кун ичида имзоланади.

Ҳаётий шароитни баҳолаш ёки хизматлардан бош тортиш фуқаронинг ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларига таъсир қилмайди.

Ҳасанбой Дўсматов ва Улуғбек Рашитов бокс ва таэквандо бўйича икки карра ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИга айланди.

ТУРОН ЙЎЛБАРСИ Тошкентда ўтадиган футзал бўйича Жаҳон чемпионати тимсолига айланди.

Парижда қирғизистонлик боксчига секундантлик қилган ўзбекистонлик «ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ» медали билан тақдирланди.

САЛОМАТЛИК

ҲОМИЛАДОРЛАР СКРИНИНГ ТЕКШИРУВИДАН ЎТИШИ ЗАРУР

Перинатал, яъни туғруққача скрининг текширувлари самарадорлигини ошириш ҳамда ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар билан туғилишини олдини олиш мақсадида ҳомиладорлар икки босқичдан иборат бўлган перинатал скрининг текширувидан ўтказилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати.

Биринчи босқичдаги туғруққача скрининг текширувларида барча ҳомиладорлар оммавий ультратовуш текширувидан ўтиши зарур. Унинг натижасида ҳомилада туғма нуқсонлар аниқланган аёллар "хавф гуруҳи"га киритилади. Бундай текширувлар уч маротаба туман (шаҳар) марказий кўп тармоқли поликлиникаларининг перинатал скрининг хонасида амалга оширилади.

Текширув биринчи маротаба ҳомиладорликнинг 10-14 ҳафтасида, иккинчи маротаба 16-20 ҳафтасида боладаги туғма нуқсонларни аниқлаш мақсадида, учинчи маротаба 28-32 ҳафтасида кеч намоён бўладиган туғма нуқсонларини аниқлаш ва ҳомиланинг функционал ҳолатини баҳолаш учун амалга оширилади.

Биринчи босқич текшируви хулосасига кўра, "хавф гуруҳи"га кирган ҳомиладорлар ҳомиланинг 16-20 ҳафтасида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази "Она ва бола скрининг бўлими"нинг ҳудудий филиалларида иккинчи босқичдаги перинатал текширувлардан ўтказилади.

Скрининг марказида ультратовуш, биокимёвий скрининг текшируви ва унинг натижасига мувофиқ ҳомиланинг хромосом синдромлар билан туғилиш хавфи даражаси юқори бўлган ҳомиладор аёлларда инвазив текширув (хорионбиопсия, плацентоцентез, кордоцентез) усуллари, кейинчалик эса ҳомила ҳужайраларини генетик таҳлили ва бошқа текширувлар амалга оширилади.

Иккинчи босқичдаги перинатал скрининг текшируви натижасида ҳомиладорга тиббий-генетик хулоса берилади.

Ҳомилада туғма ривожланиш нуқсонлари ва ирсий (хромосом) касалликлар мавжуд бўлганда аёл тиббий-генетик хулоса билан тегишли поликлиникага юборилади. У кўриб чиқиш учун туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг Тиббий-маслаҳат комиссиясига тақдим этилади.

Комиссия аёл ва унинг яқин қариндошларига перинатал скрининг текширувлари натижалари тўғрисида, ҳомилада мавжуд туғма ривожланиш нуқсонлар борлиги, туғилгандан сўнг чақалоқнинг соғлиғи ва ҳаётига таъсири, даволаш усуллари ва улар билан боғлиқ хавф-хатар даражаси, қўллаш мумкин бўлган тиббий муолажалар ва уларнинг оқибатлари ҳамда даволаш натижалари ҳақида тўлиқ ахборот беради.

Шундан кейингина ҳомиладор аёл ва унинг яқин қариндошлари ўзлари маъқул деб топган қарорни қабул қилишади.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Шаҳрисабз каштасига МАҲЛИЁ бўлган аёл

Юртимизда шаклланган 11 та каштачилик мактабининг ҳар бирида ўзига хос қонун-қоидалар мавжуд. Сўзанадаги кашта гуллари ва ранглар ҳам ўз рамзий маъносига эга.

Шоҳиста БОЗОРОВА, журналист.

Қумалоқ гулларнинг ингичка шохга, сўзана атрофи бўйлаб гулли шохлар билан қуршаб тикилиши Бухоро кашталарига хос жиҳат бўлса, тўрсимон композиция, турли гуллар билан кашта тикиш Нурота мактабининг услуби. Шаҳрисабз каштасида "кандахаёл", "ироқи" чоклари қўлланади. Самарқанд каштасида гуллари йирикроқ тикилса, Тошкент кашта намунасида азалдан иккита — "палак" ва "гулкўрпа" қўлланиб келинган.

Воҳа каштадўзлигида Шаҳрисабз етакчи саналади. Шаҳрисабз каштаси бой, турфа рангдаги гуллар нақши ишлатилиши билан ажралиб туради. Шаҳрисабз ҳунармандлар кластери раҳбари Маҳлиё Маннонованинг миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари намунасида бу жиҳат яққол кўзга ташланади.

М. Маннонова "Шаҳрисабз ироқи каштачилиги" мактаби анъаналарини давом эттиряпти. Ушбу ҳунар сирларини "устоз-шогирд" анъаналари асосида ёшларга ўргатиб келмоқда. Унинг қайд этишича, Шаҳрисабз ироқи каштачилигида кўпроқ ёрқин рангларга мурожаат қилинади. Маҳсулотларда кўпдан бери сақланиб келаётган нақш нусхалари ишлатилади. Буюмлар табиий ипак толасидан тайёрланиши уларнинг бежиримлигини таъминлайди.

Бундай маҳсулотларга чет эл-ликларда қизиқиш катта. Тадбиркор шаҳардаги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ёш қизларни кашта тикишга ўргатмоқда. Бу уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Яқинда ўқув марказини 15 нафар ёш тамомлади. Келгусида уларни доимий фойдали иш билан банд этиш мақсад қилинган.

— *14 йиллик ҳунарманд сифатида шуни айта оламанки, бу иш катта куч ҳамда қувват талаб қилади,* **— дейди Маҳлиё МАННОНОВА.** — *Инсон мунтазам равишда ўз устида ишлаши керак. Янги билимларни ўзлаштирмаса, тадбиркорлигини ривожлантиришга имкон яратилмайди. Бу босқичларни босиб ўтиш осон эмас. Кучли хоҳиш, интилиш ва, албатта, билим бўлиши керак. Бизнинг аёлларимиз жуда иродали. Улар бундай машаққатларни иккиланмасдан босиб ўтишга қодир.*

Айни пайтда Маҳлиё Маннонованинг 100 нафар ироқи кашта тикувчиси, 15 нафари тўғри чок тикувчи, 1 нафар дизайнер йўналиши бўйича шогирди бор. Ҳозирда ҳунарманд улар билан биргаликда миллий либосларни замонавийларига уйғунлаштирган ҳолда, янгидан-янги ижод намуналарини яратяпти. Йилига ўртача 20 мингдан 60 минг донагача миллий ва замонавий либослар, нақш ва ранглар уйғунлигидаги ироқи кашталар тайёрланади.

Қаҳрамонимиз маҳалладаги жараёнларда фаол. У "Оқила аёллар ҳаракати" аъзоси, оилавий масалаларда маслаҳатчи, ишсиз аёлларга ўз ҳунарини ўргатиб келаётган жонкуяр инсон. Маҳлиё Маннонова келгусида касаначилик асосида фаолиятини кенгайтириб, маҳалладаги, қўшни ҳудудлардаги аёлларни ишли қилмоқчи. Опа-сингилларимизнинг ҳам оила даромадига ҳисса қўшишини таъминлаш — асосий нияти.

МАНЗАРА

Хорижда САРСОН БЎЛГАНДАН юртимизга ҚАЙТГАН АФЗАЛ

ИҚБОЛ САФАРОВА 2022 ЙИЛДА "АЁЛЛАР ДАФТАРИ"ГА ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛИШ ИСТАГИДАГИ ХОТИН-ҚИЗ СИФАТИДА КИРИТИЛГАН ЭДИ. ШУ АСОСИДА МАҲАЛЛА ТАВСИЯСИ БИЛАН 30 МИЛЛИОН СЎМ КРЕДИТ ОЛИБ, ДАСТЛАБ НОВВОЙХОНА ТАШКИЛ ЭТДИ. КЕЙИНЧАЛИК ОЗИҚ-ОВҚАТ ДЎКОНИ ОЧДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, МАХСУС УСКУНА ЁРДАМИДА МУЗҚАЙМОҚ СОТИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН. ҲОЗИРГИ КУНДА ЎЗИ, ТУРМУШ ЎРТОҒИДАН ТАШҚАРИ ЯНА 7 НАФАР ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАБ КЕЛМОҚДА.

Нафосат ЖУМАНИЁЗОВА, Янгибозор туманидаги "Навбаҳор" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Таваккал ва бироз қўрқув билан бошлаган иши бугун унга ўйлаганидан-да кўпроқ фойда келтирмоқда. Меҳнат қилишни севгани учун кечаю кундуз тиним билмайди. Харидорлари ҳам шунга яраша. 4 хилдаги нон ва нон маҳсулотларини нафақат маҳалламиз, балки қўшни қишлоқ ва туман марказига етказиб беришяпти.

Аҳоли орасида юрганимда, аёлларга шу каби тадбиркорлик ортидан катта натижаларга эришаётган хотин-қизларни мисол келтираман. Бироз ҳаракат ва шижоат билан уларнинг ҳам шундай ютуқларга эришиши мумкинлигини қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман. Айниқса, миграцияда юрган фуқаролар билан телефонлашганимизда, ўзимизда яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар ҳақида батафсил маълумот бераман. Маҳалла ҳамиша ёрдамга тайёр эканини таъкидлайман. Ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, йил бошидан буён 30 нафар хотин-қизни маҳалламизга қайтаришга эришдик. Айримлари турли ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштирилган бўлса, бошқалари кичик бўлса-да, тадбиркорлик фаолиятида ўзини синаб кўряпти.

Гулора Тожимуродова боқувчисини йўқотганидан кейин 4 нафар фарзандини қайнонасига қолдириб, чет давлатга ишлаш учун кетди. Ҳар жойда бор тошу тарози, деганларидек у ёқларда пул топиш осон кечмади. Бир сафар болаларининг ҳолидан хабар олгани келганида, шу ерда қолиб, бирор иш бошлаши мумкинлигини таклиф қилдик. Қизиқишидан келиб чиқиб, туман тадбиркорликка ўқитиш марказида таҳсил олишига ёрдам бердик. 18 ёшли қизини "Ёшлар дафтари"га киритиб, уни ҳам тикувчилик курсида ўқитдик. Айни вақтда она-бола иккиси тўй маросимларида хонадонларни гул ва чироқлар билан безатиш ва тасвирга олиш хизматларини йўлга қўйган. Юртчилик, кун-кунора тўй қиладиганлар топилади. Улар эса қўли-қўлига тегмай меҳнат қиляпти. Муҳими, кўнгли хотиржам, яқинлари ёнида. Топаётган пули рўзғор харажатларидан ортиб, фарзандларининг келажаги учун жамғаришга ҳам етяпти.

Жорий йилнинг июль ойи ҳолатига кўра, маҳалламиздан яна 45 нафар хотин-қиз хорижга кетган. Айримлари турмуш ўртоғи билан, баъзилари ёлғиз ишлаяпти. Уларни имкон қадар оиласи бағрига қайтаришга ҳаракат қиляпмиз. Хонадонига бориб ота-онаси, қайнона-қайнотаси билан гаплашяпмиз. Ўзларига қўнғироқ қилиб, бўш иш ўринлари бўйича таклифлар беряпмиз. Юртимизга қайтишнинг афзалликларини тушунаётганлар сони секин-аста кўпаймоқда. Ниятимиз, ҳар бир фарзанд тўла-тўкис оилада улғайсин.

Хонадонларни айланганда, ёши улуғ онахонлар билан кўп суҳбатда бўламан. Нафақа ёшидаги кексаларнинг уйда бекор ўтирганини кўриб, уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш бўйича бир нечта таклифлар киритмоқчиман. Айтайлик, ички туризмни ривожлантириш баробарида турли саёҳат ва зиёратлар ташкил этиш мумкин. Сиҳатгоҳларда дам олиш ва даволанишга жалб қилиш кўламини кенгайтириш зарур. Оналаримизнинг кайфиятини кўтариб, соғлиги ва хотиржамлигини таъминлаб, оилаларнинг янада тинч ва хотиржам яшашига эришамиз.

ЖАРАЁН

Мустаҳкам оила сари илк қадам

Жиззах шаҳридаги Нуроний-лар масканида жойлашган "Оила мактаби"нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур мактабда ёшлар никоҳини қонуний қайд этилишидан аввал оила аталмиш мустаҳкам қўрғоннинг сир-асрорлари, эр-хотин мажбуриятлари, ҳақ-ҳуқуқлари юзасидан махсус ўқув дарсларида қатнашади. Шундан сўнг уларга махсус сертификатлар топширилади.

ФҲДЁ органлари никоҳни қайд этиш учун ариза берган шахсларга марказда ихтиёрий тарзда қуйидаги йўналишлар бўйича бепул ўқиши мумкинлиги тўғрисида маълумот беради:

- оилавий-ҳуқуқий муносабатлар;
- оилавий турмуш психологияси;
- репродуктив саломатлик асослари;
- иқтисод ва оила бюджети;
- ота-оналик ижобий кўникмалари;
- маънавий-ахлоқий қадриятлар.

Дарсларни адлия бўлими вакили, шифокор, иқтисодчи, дин уламоси ҳамда психологлар олиб боришади. Жонли мулоқот тарзидаги машғулотлар давомида ёшлар ўзини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишади. Берилган билим билан улар мустаҳкам оила қуриш сари илк қадамини қўйишади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
5 680 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-820

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.